

АРДА - ХИВА БОЛАЛАР РАҚС АНСАМБЛИ ҲАҚИДА

Дилноза АРТИҚОВА,

*Ўзбекистон давлат хореография академияси
хореография йўналиши сиртқи бўлим талабаси,
“Ниҳол” Давлат мукофоти совриндори*

Аннотация: Хоразм болалар фольклор рақслари узок ўтмишга эга. Мазкур мақолада “Арда - Хива” болалар рақс дастасининг шаклланиш босқичлари ва этнографик жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: тарбия, беш ташаббус, Амударё, мерос, рақс, ўйин, Хива, “Сурнай Лазгиси”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусда болалар рақс санъатини ривожлантириш алоҳида таъкидланган. Болалар рақслари - чинакам маънодаги доимий ўзгариш, доимий ҳаракатдаги санъатдир. Яъни, болалар рақслари ва ўйинлари ҳар бир даврда ижро усулларига қараб, анъаналарнинг давомийлигини сақлаган ҳолда муттасил янгилашиб, ўзгариб, мукаммаллашиб бораверади.

Биздан рақс дастамизнинг номи ҳақида кўп сўрашади. Сайёҳларнинг ҳам энг биринчи саволи “Арда - Хива”нинг луғавий маъноси хусусида бўлади. Буюк шарқшунос С.П.Толстовнинг “Древний Хорезм” китобида шундай маълумотга дуч келамиз: “Авесто”да Ардахушмитон, Арда-Хива, Кат, Ходорос, Муздакхон, Ходоркант каби қадим Хоразм шаҳарларининг номлари келтирилганлиги фикримизнинг далилидир”¹.

Академик А.Мухаммаджоновнинг фикрича, “Қадимги Хоразм шаҳарлари, хусусан, Хива тўғрисида X аср географлари орасида, айниқса, Муқаддасий бирмунча тўлиқроқ маълумот берган. У Хоразмнинг ўттиздан

¹Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: изд.МГУ, 1948. с.- 85..

зиёд йирик шаҳарларининг номларини бирма бир келтиради. Муқаддасий уларни Амударёнинг ўнг ёки сўл қирғоқлари бўйлаб жойлашганига қараб икки гуруҳга ажратади. Унинг ёзишича, дарёнинг ўнг соҳилида Кас, Гардман, Ойхон (Вайхон), Аразхива (Ардахива), Нукфағ, Кардар, Миздахон, Жашира каби 12 та шаҳар қад кўтарган экан”².

1992 йилда устозимиз, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Матёқубованинг ташаббуси билан Урганч шаҳрида “Мерос” болалар рақс дастаси ташкил этилган. Улар дастлабки йилиёқ республика танловида биринчи ўринни олиб, Туркиядаги Халқаро болалар рақс фестивалида қатнашиш имкониятини қўлга киритишади. “Мерос”нинг Анқарада олий мукофот билан тақдирланиши ўзбек болалар фольклор рақсларига қизиқиш катта эканлигини кўрсатади. Хиванинг йиллиги муносабати билан дастанинг номини “Арда - Хива” деб ўзгартирдик. Болаларнинг ёшига мослаб, кўпроқ тарихий мавзудаги рақсларни саҳналаштиришга ҳаракат қиламиз. Болалар



Хоразм тарихига, алломалар ҳаётига, Хиванинг ўтмишига жуда қизиқишади.

Рақсни ўргатишдан олдин улар билан суҳбатлашамиз. Болалик – аслида энг беғубор, покиза туйғулар, ҳаяжон ва

ҳайратлар олами. Рақснинг номи унинг ғоясини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Айниқса, сюжетли рақслар рангдор образларга ва ёрқин манзараларга бой бўлиб, томошабинларга тез таъсир ўтказади. Рақслар болаларнинг ёш хусусиятларига, дунёқараш ва қизиқишларига мос бўлиши шарт. Бунинг учун болалар руҳиятини, уларнинг ички оламини пухта билиш

²Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2015. Б.-133..

зарур. Рақсинг бадий жихатдан мукамаллиги, ижро услубларининг аниқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Болаларимиз устозимиз Г.Матёкубова сахналаштирган “Олти халфа”, “Чағоллоқ”, “Қовун сайли”, “Сумалак сайли”, “Сурнай Лазгиси” рақсларини севиб ижро этишади. Репетиция жараёнида кўпинча ҳаракатларга янги эпизодлар қўшишади. Умуман, болалар жуда ижодкор бўлишади. Болажонларни юрт ўтмишига қизиқтириш мақсадида кўпроқ тарихий мавзудаги рақсларни сахналаштирамиз. Либос ва тақинчоқларнинг энг кичик деталларигача жиддий эътибор берамиз.

Худди сеҳрли эртақлар, афсона ва ривоятлар каби фольклор рақсларида ҳам халқнинг юксак орзу-умидлари, армонлари, миллий қадриятлари ва миллий ўзлиги намоён бўлади. Улар ўзининг мазмунан ранг - баранглиги, либосларининг ёрқинлиги ва миллийлиги, юртнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак мақсадлари билан узвий боғлиқлиги туфайли ғоятда улкан аҳамият касб этади.

XX аср, айниқса, унинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-маданий ўзгаришлар анъанавий фольклорнинг жонли ижро ҳамда ижод жараёнига ҳам таъсир қилди. Мутахассисларнинг фикрича, ёзма адабий ижод ҳукмронлик мавқеини эгаллаши натижасида халқ оғзаки ижоди шиддатли замон воқелигини бадий акс эттиришда бироз ортда қолди. Халқ оғзаки ижоди дурдоналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга мукамал ҳолида етказиш масаласи, кенг маънода, анъанавий фольклор ва унинг ҳозирги аҳволи муаммосининг таркибий қисмига тааллуқли эканлигини тобора чуқурроқ англай бошладик.

Аслида мантиқан олиб қаралса, халқ яшар экан, унинг оғзаки ижоди ҳам яшайди. Бу инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Аммо халқнинг ўзи ҳам, у яратган ижод намуналари ҳам тарихий тушунча. Бунинг маъноси шуки, даврлар ўтиши билан халқнинг моддий аҳволи, маънавий қиёфаси ва маданий тушунчалари ўзгариб боради. Қачонлардир халқ бадий даҳоси яратган маънавий бойлик - халқ оғзаки ижоди жанрлари янги турда яратилажак ижод

намуналарига ўз ўрнини бўшатиб бериши табиий. Анъанавий фольклор эса халқ хотирасида сақланади. Рақс машғулоти болаларда кўриш, эшитишдан ташқари мусиқани қалбани ҳис этиш ва мушаклар ҳаракати хотирасини ҳам мунтазам шакллантириб боради. Мутахассисларнинг фикрича, рақс жараёнида уриб чалинадиган қайроқ, қошиқ, таёқ, пичоқ, пиёла, ликоб каби предметлар илк зарбли асбоблар ҳисобланади. Боланинг онгу - шуури шаклланиб боргани сари унинг ҳаёт ва жамият ҳақидаги билим ҳамда тушунчалари ҳам ривожланади.

Фольклор рақслари мурғак болаларга дунёни, табиат ва борликни танитишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг баробарида болалар учун саҳналаштирилаётган рақсларнинг ҳажми қисқа, мазмуни содда ва тушунарли бўлиши керак. Мустақил фикрлашга, табиат гўзалликлари ҳақида билимга эга бўлиб, кўрганлари ҳақида хулоса чиқаришга ўргатади. Гўдаклигидан улар жониворлар ва қушлар оламига яқинликни ҳис қиладилар. Ҳали алла тафтини, онасининг иссиқ бағрининг ҳароратини унутмаган жажжи қизалоқлар кўғирчоқ ўйнашни севадилар. Аслида ўйинлар орқали улар ўзлари билмаган ҳолда болаларга хос беғуборлик билан эртанги мустақил ҳаётга тайёргарлик кўраётган бўладилар. Улар ҳар бир рақс ҳаракати ва ҳолатига ҳам шундай самимият билан ёндашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралда “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори маданият ва санъат тараққиётида ўзига хос тарихий воқеа бўлди. Унда “Рақс санъати соҳасида “устоз-шогирд” анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратиш, халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар ва кадрларни тайёрлаш, илмий

салоҳиятдан самарали фойдаланган ҳолда илм-фанни жадал ривожлантириш”³ алоҳида таъкидланган.

“Устоз-шогирд” анъаналарига асосланган рақс мактабларини яратишда аввало Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат шуҳрати” ордени совриндори, Ўзбекистон давлат хореография академияси “Санъат назарияси ва тарихи” кафедраси профессори Гавҳархоним Матёкубоваларнинг тажрибасига таянамиз. Зеро, миллий рақс санъатимизнинг тарихий илдизларини ўрганишимиз ва илмий жиҳатдан таҳлил қилишимиз зарур. Рақс санъати Хоразмда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривож ва бир-бирига қоришувига ҳам кучли таъсир этган. Тамаддун бешиги бўлмиш ўлка маданиятининг илк кўринишлари болалар фольклор рақсларида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ЎЗА, 2020, 4 февраль.
2. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: изд.МГУ, 1948.
3. Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2015.
4. Матёкубова Г. Тохтасимов Ш. Ҳамроева Ҳ. Хоразм “Лазги”си: тарихи ва тавсифи. Т.: “Тафаккур”нашриёти, 2022.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ЎЗА, 2020, 4 февраль.